Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 15-mart, payshanba 28 (8891)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 март куни қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва соҳани замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича ишлар натижадорлиги, мавжуд муаммолар ва энг долзарб вазифалар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳалари қатори қишлоқ хўжалигида ҳам муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш, тармоқни илғор усуллар асосида ривожлантиришда соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, машина-трактор паркларини замонавий техника ва агрегатлар билан таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими тубдан қайта ташкил этилди.

Тармоқнинг техникавий базасини такомиллаштириш мақсадида "Ўзагротехсаноатхолдинг", қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича "Ўзагротехмаш", лизинг асосида етказиш бўйича "Ўзагролизинг", сервис ва механизация хизматлари кўрсатиш учун "Ўзагросервис" жамиятлари тузилди. Машина-трактор паркларининг бюджет олдидаги қарзларини тўлаш муддати 2 йилга кечиктирилди.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Наманган вилоятларида фермерлар учун лизинг муддати 10 йилдан 12 йилга, машина-трактор парклари учун 7 йилдан 10 йилга узайтирилди. Фермерлар ва машина-трактор паркларига қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш учун 5 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш ва лизинг хизматлари 1,7 баробар, механизация хизматлари 2,5 баробар ортди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сервис хизматини яхшилаш, импортни оптималлаштириш, экспортни кенгайтириш бўйича муайян камчиликлар мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги техника билан 85 фоиз таъминлангани, маълум қисми эскиргани, уларни ўз вақтида янгилаш чоралари кўрилмагани қаттиқ танқид қилинди. Белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида назорат қилмагани учун Бош вазир ўринбосари – "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н.Отажоновга ҳайфсан берилди. Ишда йўл қўйган сусткашлиги ва жиддий хатолари учун "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосарлари – "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти бош директори Р.Аҳмедов, "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бош директори Ҳ.Имомов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил департаменти мудири А.Рафиқов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

«AGRO WORLD UZBEKISTAN»: ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

"Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуида "Қишлоқ хўжалиги – Agro World Uzbekistan – 2018" халқаро кўргазмаси иш бошлади. У ўн учинчи бор ташкил этилмоқда.

16 мартга қадар давом этадиган нуфузли тадбир қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчиларини, деҳқон ва фермерлар, тадбиркорлар, ҳамкор тармоқлар мутахассисларини ўзига хос инновацион майдонда бирлаштирди.

Унда Австрия, Озарбайжон, Беларусь, Бельгия, Германия, Италия, Испания, Қозоғистон, Хитой, Латвия, Жанубий Корея, Нидерландия, Россия, Туркия, Украина, Франция каби 20 га яқин мамлакатдан 100 дан ортиқ компания, маҳаллий қишлоқ хўжалиги вакиллари иштирок этмоқда.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, соҳага алоқадор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Таъкидландики, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда 2017 йилда соҳа ривожига доир 5 қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида қишлоқ хўжалигида кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат тузилмаси ва давлат чегаралари дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этиш, жамиятдаги миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тинчлик ва осойишталик – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳамда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати мамлакатнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимида алоҳида ўрин тутади.

Шу билан бирга, Миллий хавфсизлик хизматининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб берувчи қонун ҳужжати яратилмай туриб, унга миллий хавфсизликни таъминлашнинг барча жиҳатлари юклатилгани ушбу идоранинг давлат органлари фаолиятининг барча соҳаларига асоссиз аралашувига шарт-шароит яратиб берди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати сифатида қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимида алоҳида ўрин тутади.

Шу билан бирга, Миллий хавфсизлик хизматининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб берувчи қонун ҳужжати яратилмай туриб, унга миллий хавфсизликни таъминлашнинг барча жиҳатлари юклатилгани ушбу идоранинг давлат органлари фаолиятининг барча соҳаларига асоссиз аралашувига шарт-шароит яратиб берди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати сифатида қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий ва мудофаа салоҳият

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2018-yil 15-mart, payshanba 28 (8891)-son

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда тармоқда 172 мингдан ортиқ техникага талаб бўлгани ҳолда, 146 мингта техника мавжуд ёки 26 мингта техника етишмайди.

Фермер хўжаликларининг юқори унумли ҳайдов тракторлари билан таъминланиши 75 фоизни, ғалла ўриш комбайнлари – 86 фоиз, пахта териш машиналари – 28 фоиз, қўшқатор чигит экиш сеялкалари – 60 фоиз, дон экиш сеялкалари билан таъминланиши 25 фоизни ташкил этади. Умуман, етишмайдиган ва эскирган техникани ҳисобга олганда, жами 82 мингта янги қишлоқ хўжалиги техникасига талаб мавжуд.

Дастурга мувофиқ жорий йилда 16 мингта, жумладан, биринчи ярим йилликда 5 минг 800 техникани кредит асосида етказиб бериш белгиланган.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникасига талабни тўлиқ таъминлаш мақсадида "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти, Молия ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларига икки ой муддатда 2018-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Бунда қишлоқ хўжалиги техникасини харидорларга етказиб беришни молиялаштириш бўйича чора-тадбирларни ҳам назарда тутиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари пахтачилик, боғдорчилик ва узумчиликда баҳорги дала ишлари бошланай деб турган бўлса-да, 5 минг 800 та техникадан фақат 1 минг 200 таси фермерлар ва машина-трактор паркларига етказиб берилганига эътибор қаратди. Шунингдек, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида қўшимча ажратилган 4 мингта техниканинг 30 фоизи ўз эгаларига етказилган.

– Замонавий техника деҳқонга сув ва ҳаводек зарур бўлиб турган шу кунларда бу борадаги эҳтиёж бор-йўғи 25 фоиз таъминланганини қандай тушуниш мумкин, – деди Президент. – Техника – фермернинг қўл-қаноти. Унга талаб таъминлансагина моддий манфаатдорлик ошиб, харажатларни кескин камайтиришга эришилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, баҳорги агротехник тадбирлар учун режалаштирилган техникани 15 апрелга қадар тўлиқ етказиб бериш бўйича кунлик назорат ўрнатиш ва ижроси ҳақида ахборот бериш топширилди.

– Айни пайтда машинасозлик корхоналари томонидан бутловчи қисмлар ва материалларнинг муайян қисми четдан олиб келиниб, "йирик узелли йиғиш" асосида қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилмоқда. Ҳайдов трактори, плуг, сеялка каби техникани тайёр ҳолда импорт қилса, бизда ишлаб чиқарилганига нисбатан арзон бўлишини тармоқ раҳбарлари нима деб тушунтиради, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз раислигида импорт бўйича яқинда ўтказилган йиғилишда 2018 йилда қишлоқ хўжалик машинасозлигида импортни 160 миллион долларга қисқартириш, бу борада экспорт салоҳиятини ошириш бўйича аниқ топшириқ берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти ва "Ўзагротехмаш" механика заводи билан ҳамкорликда бир ой муддатда трансмиссия, турли корпус деталлари ва агрегатларни юртимизда ишлаб чиқариш орқали қишлоқ хўжалиги техникасини маҳаллийлаштиришни 45 фоизга етказиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш топширилди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда лизинг ва кредит асосида жами 3,2 триллион сўмлик 16 мингта қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришни молиялаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталди.

Ҳозирги кунда 5 минг 800 техника учун Молия вазирлиги томонидан 1,5 триллион сўм ажратилган. Қолган 1,7 триллион сўмни ажратиш, жумладан, лизинг асосида 1,5 триллион сўмлик техникани молиялаштириш манбаларини аниқлаш масаласини ҳал этиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги техникасини экспорт қилиш муҳим мезон ҳисобланади. Аммо бу борада кўрилаётган чоралар ҳам қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўтган йили 19 миллион долларлик 844 та техника экспорт қилинган. Йиғилишда "Ўзагротехмаш" акциядорлик жамиятига бундан тегишли хулоса чиқариб, 2018 йилда камида 30 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги техникасини экспорт қилиш, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Покистон, Озарбайжон, Афғонистон бозорларига кириш бўйича ишларни жадаллаштириш топшириғи берилди.

"Ўзагросервис" тизимидаги машина-трактор паркларининг мамлакатимиз бўйича жами механизация хизматларидаги улуши 2016 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 26 фоизга етган, жорий йилда 41 фоиз бўлиши кутилаётир. Бу соҳада ижобий ўсишга эришилаётганидан далолатдир. Бироқ бу натижалар билан қаноатланиб қолмай, механизация хизматлари ҳажмини ошириш, бунда қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни махсус шохобчалар орқали ўз вақтида етказиб бериш учун жамиятнинг жойлардаги филиалларини кўпайтириш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун бериладиган имтиёзли кредит таркибида механизация хизмати улушини ошириш бўйича асосланган таклифларни киритиш топширилди.

Шунингдек, машина-трактор парклари томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, механизация хизматларининг ҳар бир йўналиши бўйича қатъий нархларни белгилашга оид меъёрий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, тармоқни жадал ривожлантириш учун долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, энг муҳими, фермерларни замонавий техника ва агрегатлар билан узлуксиз таъминлаш, уларнинг манфаатдорлиги ва розилигини ошириш юзасидан кўрсатма ва топшириқлар берилди.

ЎзА

«AGRO WORLD UZBEKISTAN»:

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

(Боши 1-саҳифада)

"Ўзэкспомарказ" павильонларида, шунингдек, очиқ майдонда намойишга қўйилган маҳаллий ва хориж мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналари, паррандачилик ва чорвачилик учун доривор воситалар, иссиқхоналар учун замонавий технологиялар, тезпишар ва ҳосилдор экинлар уруғлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалиги соҳаси жуда муҳим ва аҳамиятли тармоқ. Мамлакатда бу соҳа жадал ривожланмоқда, – дейди Нидерландия Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Регина Вероника Мария Жонс-Бос. – Нидерландияда аграр тармоқ яхши ривожланган. Аминманки, ўзбекистонлик соҳа вакиллари билан бу борада тажриба алмашиб, самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатамиз. Бугунги кўргазмада 11 Нидерландия компанияси иштирок этмоқда. Кўргазма давомида ўзаро истиқболли шартномалар имзоланишига ишончимиз комил.

Инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этган Тошкентдаги "Uzbiogaz" масъулияти чекланган жамияти кўргазмада фермер ва аҳоли учун органик чиқиндилардан биогаз оладиган ускунани намойиш этмоқда. Тақдим этилаётган ускуна ёрдамида 1 тонна органик чиқиндидан 60-70 метр/куб газ олиш мумкин. Шунингдек, қолган ўғит ерга ташланса, 30-40 фоизгача ҳосилдорлик ошади. Аҳолига, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида ускунани 10 йил муддатга ҳеч қандай кафилликсиз лизингга ўрнатиб бериш йўлга қўйилди.

Кўргазма нуфузи йил сайин ортиб бормоқда. Бу иштирокчилар сони кўпайганида ҳам кўзга ташланади. Бу йил кўргазмага илк бор Татаристон Республикасининг 5 компанияси вакиллари ташриф буюрган.

– Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиий шароитда етиштирилгани, тотли таъми билан дунёга машҳур, – дейди Татаристон Республикаси Экспортни қўллаб-қувватлаш маркази мутахассиси Ольга Грезнева. – Ўтган йили биз учун узоқ кутилган воқеа – Ўзбекистонда валютанинг либераллаштирилиши айни муддао бўлди. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан истиқболли келишувларга эришишимизга ишончимиз комил.

Анъанага кўра, кўргазманинг иккинчи кунида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши кўмагида "Фермерлар куни" бўлиб ўтади. Унда иштирокчилар ўзаро тажриба алмашади, соҳага доир янги техника ва технологиялар билан танишиш имконига эга бўлади.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎзА мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида стратегик вазифалар ва энг муҳим ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини ҳам такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Давлат раҳбари томонидан Конституция ва қонун нормаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тамойилини сўзсиз амалга ошириш, бошқа органларнинг функцияларини бажариш ва такрорлаш ҳолатларига йўл қўймаслик вазифалари қўйилган эди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон хавф-хатар ва таҳдидларга самарали тарзда қарши курашишга қодир махсус хизматнинг замонавий қиёфасини белгилаган ҳолда, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимига асос солди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати этиб қайта ташкил қилинди. Идоранинг номидан "миллий хавфсизлик" тушунчасининг чиқарилиши унинг ваколатлари асоссиз тарзда кенгайишига шарт-шароит яратган омилларни бартараф этиш зарурати билан боғлиқ. Чунки локал миқёсдаги ҳар қандай муаммо миллий хавфсизликка таҳдид сифатида кўрилиши мумкин эди. Мазкур ўзгартириш ушбу идоранинг диққат-эътиборини давлат аҳамиятига эга реал таҳдидларга қаратади. "Давлат хавфсизлиги" атамаси хавфсизликни таъминлаш доирасини аниқ белгилайди ва мазкур соҳадаги фаолият йўналишларини ажратиб беради.

Фармон билан Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгиланди.

Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятини ташкил этишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Биринчидан, мазкур идоранинг мақоми, ваколатлари ва фаолият йўналишларини белгилаган ҳолда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилмоқда. 26 йил олдин қабул қилинган Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисидаги амалдаги низом фаолиятни самарали ташкил этишга имкон бермайди ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришларни акс эттирмайди.

Иккинчидан, бугунги кундаги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишнинг таъсирчан шакллари ҳамда услубларини жорий этиш, шу мақсадда идоранинг самарали ташкилий тузилмасини шакллантириш зарурлиги белгиланди.

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этишнинг алоҳида муҳим аҳамияти таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан инсон ҳуқуқлари қонуний кафолатларининг қатъий таъминланишига устувор аҳамият берилади.

Тўртинчидан, кадрларни танлаш ва тайёрлашнинг мутлақо янги тизими ташкил этилади, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади. Мазкур чоралар Давлат хавфсизлик хизматига ҳар томонлама ривожланган ва ватанпарвар ёшларни жалб этишга имкон беради. Шу ўринда идора вакилларининг ҳарбий хизматчи сифатидаги мақоми кўрсатиб ўтилди, мазкур ҳолат уларга нисбатан ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ барча чеклов ва мажбуриятлар татбиқ этилишини англатади.

Бешинчидан, Давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини идора ишининг шакллари ва услублари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг идоравий мансублиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлишини истисно этадиган конспирация тамойиллари асосида ташкил этиши белгиланди. Бу давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаришда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ўзига хос бўлмаган вазифа ва функцияларни истисно қилиш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати ваколатида бўлган айрим рухсат берувчи ваколатлар 2018 йил 1 апрелдан бошқа идораларга ўтказилади ёки тугатилади.

Фармон билан Давлат хавфсизлик хизматининг байроғи ва эмблемаси намуналари тасдиқланди.

Идоравий рамзларнинг таъсис этилиши ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳини оширишга ҳамда уларни давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаришга сафарбар этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатор топшириқлар мавжуд. Шу муносабат билан:

идора фаолиятини ташкил этиш, унинг таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларини ишлаб чиқиш;

2018-2022 йилларда Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари учун арзон уй-жойларни қуриш дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Давлат раҳбарининг мазкур қарорини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини таъминлайди.

Таъминот

Хонадонингиз мудом чароғон бўлсин

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Инсон борки, яхши яшашга, завқли ҳаёт кечиришга интилади. Тараққиёт шиддати жадаллашиб бораётган даврда, табиийки, эҳтиёжлар ҳам ошиб боради. Шундай даврда одамларнинг розилигини таъминлаш хизмат кўрсатиш ташкилотлари, хусусан, таъминотчи корхоналар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Айниқса, бугун ҳаётимизни унинг иштирокисиз тасаввур қила олмайдиганимиз – электр энергияси таъминоти соҳасида бу жараён янада муҳимдир.

Тўғри-да, ҳаётимиз электр энергиясига боғланиб кетган. Оддий уй юмушларидан тортиб, таом пиширишгача, ҳатто, мулоқот ва истироҳатимиз мазмунини ҳам электр энергияси таъминлайди.

Шу боис, бугун аҳоли билан мулоқот давомида бўладиган эътирозлару шикоятларнинг аксарияти электр энергияси таъминотидан бўлаётгани ҳам бор гап.

Хўш, Қашқадарё вилоятида бугун одамлар электр энергияси таъминотидан розими? Ўтган йилларда бу жабҳада қандай ўзгаришлар бўлди? Айнан шундай саволлар билан "Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятига юзландик.

– Бугунги кунда вилоятда 600 минг 997 та электр энергияси истеъмолчилари мавжуд бўлиб, шундан 564 минг 846 таси аҳоли хонадонларига, 36 минг 151 таси улгуржи истеъмолчилар ҳиссасига тўғри келади, – дейди "Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти раҳбари Анвар Музапов. – Вилоятда халқ хўжалиги, саноат корхоналари ва аҳоли хонадонларига шартномавий равишда йил давомида 5741,7 миллион кВт/соат электр энергияси етказиб берилмоқда. Корхона томонидан аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йилда жамият томонидан 460 километр электр узатиш тармоғи, 84 та трансформатор пункти янгидан қурилди, реконструкция ва модернизация қилинди, 33 та ҳаво электр узатиш тармоғи, 625 дона 6/10 кВ трансформатор пункти мукаммал таъмирланди, 179 та янги трансформатор ўрнатилди. Қўшимча 26 Мвт қувват захираси яратилди.

Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги "2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш Дастури тўғрисида"ги қарорига асосан 2017-2021 йилларда вилоят ҳудудида эскирган 3 минг 63,5 километр 0,4-10 кВт.ли электр тармоғи, 448 трансформатор пунктида модернизация ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Мазкур қарор ижроси доирасида ўтган йили 370 километрдан зиёд электр тармоғи, 59 та трансформатор пунктида модернизация ва реконструкция ишлари бажарилди. Натижада 75 мингга яқин аҳолининг электр таъминоти яхшиланди. Бундан ташқари, Республика ишчи гуруҳи томонидан ўтган йилнинг август ойида жойларда аниқланган камчиликлар бўйича 14 та трансформатор пункти ва 15,5 километр электр тармоғи қурилиши ишлари ҳам якунига етказилди.

Косон туманидаги Хўжақудуқ, Олачобол, Бўрихона, Яккасарой, Ўйрот, Карракли, Раим Сўфи, Ёдгор, Олатўн қишлоқлари вилоятнинг чекка чўл ҳудудларида жойлашган аҳоли пунктлари ҳисобланади. Ушбу қишлоқлар аҳолиси узоқ йиллардан буён электр энергияси етишмаслигидан қийналиб келарди.

"Раим Сўфи" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1975 йилда қурилган подстанция эскириб, ўтган йиллар мобайнида қишлоқлар кенгайиб, аҳоли сони ортгани ҳисобига мавжуд эҳтиёжни қондира олмаётган эди. Қишлоқ аҳолисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал ва Халқ қабулхоналарига қилган мурожаатидан сўнг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур ҳудудда умумий қуввати 32 мегаватт бўлган 110/35/10 киловольт кучланишли "Турон" подстанцияси ва 28 километр узунликда 2 занжирли 110 кВт.ли ҳаво линияси қурилди.

Умумий қиймати 30 миллиард сўмдан зиёд бўлган мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Косон ва Чироқчи туманларидаги 20 мингдан ортиқ хонадон, "Шўртаннефтгаз" масъулияти чекланган жамиятига қарашли нефть қудуқлари ҳамда ҳудуддаги 100 дан ортиқ бошқа юридик истеъмолчини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконияти яратилди.

Бироқ вилоятнинг айрим ҳудудларида ҳануз электр энергияси таъминотида узилишлар бўлаётгани, техник носозликлар учраб туриши ва вақти-вақти билан таъминотда чекловлар бўлаётгани ҳам сир эмас. Бу ҳолат истеъмолчиларда норозилик ҳам уйғотаётгани ҳам бор гап.

– Айниқса, қишда электр таъминоти узилиши бизни жуда қийнайди, – дейди Қарши тумани Узумзор маҳалласида яшовчи Хушвақт она Эшонқулова. – Тўловини эса ўз вақтида қилиб қўямиз. Масалан, ҳар сафар мен ўзим туман электр тармоқларига бориб, олдиндан тўлов қилиб келаман. Аммо узилишлар тез-тез бўлиши кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқаради.

– Тўғри, электр энергияси таъминоти анчайин изга тушиб кетди, – дейди Китоб туманилик А.Жўраев. – Аммо қиш мавсумида бироз узилишлар бўлди. Бундан норози бўлиб, юқори ташкилотларга мурожаат қилдик. Ҳозир аҳвол ўзгарди. Янги ускуналар ўрнатишди. Бундан хурсандмиз.

– Албатта, муаммолар, камчиликлардан кўз юма олмаймиз, уларни инкор ҳам эта олмаймиз, – дейди Анвар Музапов. – Ҳақиқатдан ҳам, қиш мавсумида оғир кучланишда ишлашга тўғри келади. Анчайин эскирган ёки қуввати етарли бўлмаган подстанцияларнинг бунга бардоши етмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда тезда мутахассислар муаммони бартараф этишга, аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини имкон қадар қондиришга ҳаракат қилади. Келгусида вилоятда қўшимча 36,4 мегаватт қувват захираси яратилиб, 348 та маҳаллада яшовчи 200 мингдан ортиқ хонадонни узлуксиз электр энергияси билан таъминлашни режалаштирганмиз. Мақсадимиз ҳар бир хонадонни чароғон этиш, ишлаб чиқариш объектларининг барқарор ишлаши учун етарли электр энергияси етказиб беришдир. Бу йўлда барча имкониятларни ишга солишга тайёрмиз.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА

Қаровсиз жойни кўл қилди
Унда балиқ ҳам, даромад ҳам мўл бўлди.

Қулайликдан аҳоли мамнун
Транспорт хизмати такомиллашмоқда.

БАЛИҚ БОҚИШ УЧУН ФАҚАТ СУВ ЭМАС, УҚУВ ҲАМ КЕРАК

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Оқдарёлик Худойназар бобо Абдураҳмонов салкам етмиш ёшда. Ёш йигитлардек серғайрат ва тетик, янгиликка қизиқувчан отахон ўтган йили уч гектар жойдан ўғли Бобошер Абдураҳмонов билан эл дастурхонига икки тоннага яқин балиқ тортиқ қилди. Оқдарёда бахши-шоир номини олган отахон гапнинг ҳам, ишнинг ҳам кифтини келтира олади.

– Балиқ етти хазинанинг бири, дейдилар-ку аммо бу хазинани қўлга киритиш, кўпайтириш ва охир-оқибат асрашнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бўлса керак, шулар ҳақида гапириб берарсиз, деб атай келдик. Мақсадимиз – сизнинг тажрибангизни ёшлар ҳам ўрганса. Биласиз, ёшлар орасида иш излаб, ўзга юртларга кетиб қолаётганлари ҳам бор. Ҳолбуки мана шундай мухтасар ердан ҳам бинойидай даромад олса бўлар экан-ку. Бунинг учун нима қилиш керак?

– Бу жой ҳеч ким фойдаланмай ётган қаровсиз майдон эди, – дейди отахон. – Олдинги эгаси ҳатто беда ҳам экиб қўймаган, маҳалла яйлов сифатида фойдаланиб турибди, деган баҳона билан солиқ ҳам тўламаган, чамамда. 2012 йили шу жойда балиқчиликни ташкил қилиш фикри пайдо бўлди. Туман ҳокимлиги фикримизни қўллади. Ер ажратиб берди. "Абдураҳмонов Чайқал балиқлари" фермер хўжалигини ташкил этдик. 15 миллион сўм кредит олдик. Ҳовуз қаздирдик, уч миллион сўмга чавоқ олиб, таваккал, деб сувга ташладик. Ота-бобом балиқчи ўтмаган. Бир ҳисоб-китоб қилиб кўрдим, икки ҳисоб-китоб қилиб кўрдим, мутахассислар билан маслаҳатлашдим, бўлади, дейишди. Уч миллионлик чавоққа беш миллионлик ем олдик. Буни ҳам сувга ташлайвердик. Сўнг ўйлаб қолдим. Бу бир таваккал нарса-ку, ўхшамай қолса, нима қиламан, деб уватга мол боқа бошладик. Тўрт гектар ерга йўнғичқа экдик. Худо ишимизни ўнглади. Чорваниям барорини берди. Қарздан ўша йилнинг ўзида қутулдик. 2015 йилга келиб, яна 20 миллион кредит олдик. Ўн миллионига яна иккита ҳовуз қаздирдик. Уч миллионига чавоқ, етти миллионга ем харид қилдик.

– Чорванинг ем ейишини биламиз, аммо балиқ ҳам шунча ем ейдими?

– Ейди, бу ҳали ҳаммаси эмас, балиқ мош оқшоғи, аммофос, карбамит, ҳатто оҳак ейди. Бундан ташқари, қамиш ва йўнғичқа билан ҳам озиқланади. Еганда ҳам, тўйгунича емаса, ҳеч ўзгариш бўлмайди. Балиқ боқаман, деб унинг озуқасига маблағ ажратмаган одам ҳеч нарсага эришолмайди. Кимлардир балиқ сув ичса ҳам семириб, каттариб ётаверади, деб ўйлайди. Асло ундай эмас, емни ҳам танлаб, донадорини топиб бермасангиз, тагига чўкиб, лойга аралашиб қолган ем исроф бўлиб кетаверади.

– Бунча нарсани қаердан биласиз, ўзингиз айтганингиздай: ота-бобонгиз балиқ боқмаган бўлса?

– Мен ҳар бир ишга илмий ёндашишга ҳаракат қиламан. Таваккал деганим, палапартиш таваккал эмас-да, аввал китобини топиб ўқийман. Масалан, лаққа балиқ нима билан озиқланади-ю, зоғора балиқ нима ейди? Шуни китобидан ўқиб, ўрганиб, ҳатто, уларнинг дам олиш соатию озиқланиш вақтигача, ҳар хил одатларигача билмасангиз, озуқадан-озуқани фарқлай олмасангиз, пулингиз сувга оқиб, меҳнатингиз ҳавога учиши мумкин-да.

Отахон ўғлини чақиради:

– Бобошер, ҳалиги ўқиётган китобингни олиб кел, ўғлим.

Бобонинг ўзига ўхшаган икки юзи қип-қизил, вужудидан ғайрат ёғилиб турган ўғли қўлида китоб билан кириб келади. Қалин, муқовали китобни қўлимга олиб, муаллифига кўз югуртираман. Даврон Ниёзов – "Балиқ – битмас бойлик". Китоб кўп ўқилганидан анча уринган, айрим саҳифалари букланиб, айрим саҳифаларига қалам урилган.

– Бобошер, қандай балиқни боқиш осонроқ деб ўйлайсиз?, – дейман унинг отага муносиб шогирд эканини аниқлаш мақсадида.

Йигитнинг гаплари жўяли, сокинлик билан бемалол фикр юритишидан соҳани яхшигина ўзлаштиргани кўриниб турибди.

– Масалан, оқамур яхши балиқ, аммо ҳар икки-уч йилда қандайдир бир касаллик келиб, бирдан ўлиб қолиш одати бор. Зоғора балиқ ҳам яхшию, озуқаси қиммат, унга дон бериш керак. Дўнгпешона анча тез етилади. Емиши ҳам асосан гиёҳлар, қамиш. Озуқаси тоза бўлса, гўшти ҳам ширин бўлади. Лаққа балиқ гўштхўр бўлади. Бошқа балиқларга қўшиб боқиб бўлмайди. Уни алоҳида ҳовузда сақлаш керак.

– Ҳовузга бирон ердан сув оқиб кирганини кўрмадик, ариқларингиз яширинми?

– Биз ерости сувларида балиқ етиштиряпмиз. Оқар сувдан фойдаланмаймиз. Бу ерлар дарё соҳили бўлгани сабабли, бир метрдан сув чиқади. Ҳовузларни икки-икки ярим метр қилиб қаздирамиз, ер ости сувининг ўзида ҳаракат бор, ўзи алмашиниб туради. Ёнимиздан оқиб ётган Зопир ариққа чарҳпалак ўрнатиб, электр токи олиш режамизда бор.

– Ишларингизда ютқизиқлар ҳам бўлиб турадими, – дейман йигитнинг гапларидан кўнглим тўлгач, яна Худойназар бобога юзланиб. – Ёки нимага қўл урсангиз, фақат фойда олаверасизми?

– Фойда-зарар баравар юради, – дейди бобо. – Масалан, олти қути асалари олган эдик, ҳаммаси ўлиб қолди. Қаердадир, нималардир хато қилдик, шекилли. Бу йил яна ари олмоқчимиз. Қуёнчиликни ўрганяпман, бунинг фойдаси чакана эмас, дейишади. Ҳавасга каптар қилдик, элликтага етди. Бир уя сусарка (ҳинд товуғи) келтирдик. Буни ҳам кўпайтириб кўрайлик-чи...

Суҳбатимиз узоқ давом этади. Бобо сўзларига мақол ва маталларни қўшиб гапиради, баъзан жўшиб кетганда ўзи ҳам шеърлар тўқиб ташлайверади. Шеърлари ҳам ўзи каби содда, оҳанжамасиз, лекин таъсирли. Чунки унинг мақсади эзгу, кўнгли тоза. Мана, унинг таъби назмидан бир шингил:

Ватанимни севдим, Эрам керакмас,
Ватанни севмаган юрак, юракмас.
Унинг ободлиги олий тилагим,
Ундан ўзга тилак, асло тилакмас.

Ориф ҲОЖИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах шаҳридаги "Бегали транс сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан шаҳардаги 32-сонли мактаб-интернатнинг 8 нафар ногирон ўқувчиси учун автобусда бепул қатнаш имконини берувчи йиллик чипта жорий қилинди.

Тадбири хайрли, ишлари барорли

Ушбу ташкилот вилоятдаги аҳолига жамоат транспорти хизмати кўрсатувчи илғор корхоналардан бири. Ҳозирда 74 та автобусга эга корхонада 106 нафар киши меҳнат қилади. Айни вақтда техник хизмат кўрсатиш устахонаси фаолиятини йўлга қўйиш устида иш олиб бориляпти.

– Бунинг учун 2 миллиард сўм сарфланади, – дейди корхона раҳбари Мурод Ҳаққулов. – Салкам 80 та иш ўрни яратиладиган устахонада транспортларга барча турдаги хизматлар кўрсатилади. Газ баллон ўрнатишдан тортиб, двигатель таъмиригача, пайвандлашдан то транспортни ювишгача бўлган ишлар бажарилади. Шу йилнинг апрелида яна 25 та автобус олиб келишни кўзлаяпмиз. Фориш, Зафаробод, Арнасой, Зарбдор ва Ғаллаорол туманларининг энг чекка ҳудудларига жамоат транспорти қатновини йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Эълонлар

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти қуйидаги объектлар бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади:

1. Лот-18-1: "Бухоро вилояти Когон ва Қоровулбозор туманларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **3 981 162 713,0** сўм (ҚҚС сиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – **14 ой.**

2. Лот-18-2: "Қашқадарё вилояти Косон туманидаги "СК-3-3" коллекторини (ПК0+00 дан ПК64+40 гача) реконструкция қилиш ва "Бўстон" ҳамда "Фаровон" СИУлари ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **4 584 953 796,0** сўм (ҚҚС сиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати – **16 ой.**

3. Лот-18-2: "Навоий вилояти Конимех, Кармана ва Хатирчи туманларида ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини қуриш (4-босқич)".

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **3 055 470 379,0** сўм (ҚҚС сиз ва ЯИТ 25 фоиз).

Ишларни тугаллаш муддати **14 ой.**

Танлов савдолари Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирокида ўтказилади.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Танлов ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти танлов савдоларини ўтказиш бўлими.

Танловда иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танловда иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги танлов таклифлари иштирокчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан Департаментнинг танлов савдоларини ўтказиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уй. Тел.: +99899 823-09-74, +99897 708-32-77.

Таклифлар (оферталар) танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 30 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти маълум қилади

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2018 йил 8 мартдаги 25 (8888), 10 мартдаги 26 (8889) ва 13 мартдаги 27 (8890)-сонларида чоп этилган танловларнинг ўтказилиш муддатлари ўзгармоқда: Танловлар эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 30 кундан сўнг буюртмачи манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун манзил: Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уй. Тел.: +99899 823-09-74, +99897 708-32-77.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти Танлов савдоларини ўтказиш бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ННТЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» МАВЗУСИДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Аёллар ва ёшлар, ногирон ҳамда кексаларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қўшма иш режалари ва дастурларини амалга ошириш.

2. Чекка, тоғли ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларда янги иш ўринлари, ижтимоий ва маиший инфратузилма яратиш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашиш.

3. Аҳолига сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш, бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этишга қулай шарт-шароит яратиш, давлат органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлашга кўмаклашиш.

4. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашувчи комплекс тадбирларни рўёбга чиқариш.

5. Оилада маънавий-ахлоқий муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта ва шаърий никоҳлар, ногирон болалар дунёга келиши олдини олишга кўмаклашиш.

6. Давлат органлари ва бизнес субъектлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ёш оилаларнинг бандлигини таъминлаш, аёллар, ёшларни тадбиркорлик ва оилавий бизнесга кенг жалб қилиш.

7. Кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари ва инновацион усулларини жорий этиш.

8. Оилада соғлом муҳитни юксалтириш, аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини тарғиб қилиш, қайнона ва келин муносабатларини мустаҳкамлашга кўмак кўрсатиш.

9. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, энг аввало, ёшлар, аёллар ва ногиронлар бандлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий корхоналарни шакллантириш, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар, хизматлар ва ишлар бажарилишини йўлга қўйиш.

10. Уюшмаган ёшларни, ногирон аёллар ва қизларни, жазони ўташ жойларидан озод қилинган, муқим турар жойга эга бўлмаган шахсларнинг жамиятга ижтимоий интеграцияси ва реабилитациясига қаратилган дастурларни давлат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириш.

11. "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури ижросининг аниқ натижалари, ислоҳотлар жараёнларини хорижий ОАВда кенг ёритиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 мартдан 20 апрелгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган мухрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

«ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ОАВЛАРДА ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРНИ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИНИ, ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛ ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШ» МАВЗУСИДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа-буюртманомалари қабул қилинади:

1. Мамлакат парламенти қабул қилган янги қонунлар, Президент фармонлари, қарорларининг асосий жиҳатларини кенг оммага етказишнинг самарали инновацион шакл ва механизмларини татбиқ этиш.

2. Қонунларнинг инсонлар ҳаётига реал таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқотнинг янги усулларини, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли ва аҳамиятини юксалтиришнинг инновацион усулларини жорий этиш.

3. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишнинг инновацион шаклларини амалиётга киритишга кўмаклашиш.

4. Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича ҳамкорликдаги дастурларни самарали амалга ошириш.

5. Қонун лойиҳаларининг эксперт ва жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, жумладан, махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар уюштириш, интернет ва босма нашрларда мақолалар чоп этиш.

6. Давлат органлари билан ҳамкорликда ОАВлар материалларининг профессионал, мафкуравий ва бадиий даражасини юксалтириш дастурларини амалга ошириш.

7. Ёш журналист ва техник ходимлар маҳорати ҳамда ижодий фаоллигини юксалтиришда ижтимоий шерикликни кучайтириш.

8. ОАВларнинг фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, социал-ҳуқуқий онгига ижобий таъсирини кучайтириш.

9. Коммунал, савдо ва хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш ва жамоатчилик назоратининг инновацион усулларини рўёбга чиқариш.

10. "Давлат органлари халқ хизматида" шиори остида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, қонунга ҳурмат, жиноятчиликка муросасизлик туйғусини кучайтиришга кўмаклашиш.

11. Давлат органларида мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш.

12. Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини ОАВларда кенг ёритиш.

13. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш.

14. "Адолат қонун устуворлигида", "Аҳоли мурожаатлари – доимий эътиборда" шиорлари остида қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари ва амалиётини ривожлантириш.

15. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузуридаги фахрийлар кенгашларини уюшмаган ва тарбияси муаммоли ёшлар билан ишлашга кенг жалб қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини, ниятларини рўёбга чиқариш.

16. "Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман" шиори остида турли кўргазмали материаллар тайёрлаш ва тарқатиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 мартдан 20 апрелгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган мухрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz

«Qishloq hayoti»
2018-yil 15-mart, payshanba **28 (8891)-son**

Нурли келажак остонасида

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ЎЗЭКСПОМАРКАЗ"ДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН "NURLI KELAJAK EXPO – 2018" НОМЛИ КЎРГАЗМА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, ўйин ва ўйинчоқлар, спорт ва тиббиёт анжомлари, мусиқа асбоблари, шунингдек, ошхона жиҳозлари, озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи 250 дан ортиқ корхона ва тадбиркорлик субъекти иштирок этди.

Кўргазма аввалида ташкил этилган матбуот анжуманида соҳага қаратилаётган эътибор ва чора-тадбирлар самараси ҳамда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар борасида батафсил сўз юритилди.

Ушбу кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналардан тўғридан-тўғри харид қилишни йўлга қўйиш ҳамда корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган ўйинлар ва ўйинчоқлар, мебеллар ва бошқа жиҳозларнинг сифати, шакли, дизайни, қулайлиги, замонавийлиги ва хавфсизлигини ўрганишдан иборатдир.

2018 йилнинг 1 февралидан пойтахтимиздаги давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича туман мактабгача таълим бўлимлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилмоқда. Хусусан, Сергели, Олмазор ва Чилонзор туманларида кетринг усулида овқатланиш йўлга қўйилди. Амалда қўлланилган тажрибага асосланиб бошқа ҳудудлардаги боғчаларда ҳам соғлом овқатланишни жорий этиш бўйича ишлар режалаштирилмоқда.

– Кўргазмада замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган ўн турдан зиёд болалар мебеллари билан иштирок этдик, – дейди "Yunusjon" хусусий корхонаси вакили Ғайрат Исомов. – Келгусида ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни янада такомиллаштириб экспорт қилишни мақсад қилганмиз.

– Бугунги кунда чет давлатлардан келтирилган замонавий, ғарб маданиятини тарғиб этувчи ўйинчоқлар маҳаллий бозорларнинг асосий қисмини эгаллади, десак асло муболаға бўлмайди, – дейди андижонлик миллий қўғирчоқлар устаси Майрамхон Эргазиева. – Лекин қўл меҳнати асосида яратилаётган замонавий, миллий қўғирчоқ ва бошқа ўйинчоқларга ҳам талаб катта эканлигига мазкур кўргазмада амин бўлдим.

Кўргазма тадбирлари доирасида Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси томонидан болажонларга мўлжалланган парҳез таомларни тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

Кўргазма давомида кўплаб корхона ва ташкилотлар ўзаро имтиёзли шартномаларни имзолади.

Дилором КОМИЛЖОНОВА

Наврўз шукуҳи

Президентимизнинг "2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида қайд этилганидек, Наврўз байрамининг ижтимоий-маънавий аҳамияти беқиёс. Унда халқимиз тарихи, қадриятларимиз акс этган. Ушбу байрам асрлар давомида эл-юртимизнинг эзгу орзу-интилишларини ифода этиб келмоқда. Қолаверса, унинг тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёс.

Ҳаёт фалсафаси акс этган байрам

Азалдан ушбу байрам ободлик, яратувчилик ва бунёдкорлик айёми бўлиб келган. Наврўзни ўзгача меҳр билан, интиқлик билан кутган юртдошларимиз байрам арафасида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширадилар. Наврўз байрами олдидан ҳашар ўтказилади. Юрт ободликка юз тутиб, боғларга, ҳовли-жойларга, хиёбонларга, кўчаларга мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилади. Кексалар ҳолидан хабар олиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатилади. Буларнинг барчасида эзгулик мужассам бўлади, ободлик ва фаровонлик акс этади. Бу мўътабар айёмда турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар қалбида шафқат ва ҳамжиҳатлик, саховат каби инсоний туйғулар жўш уради.

Наврўзнинг асосий фалсафаларидан бири шуки, бунда киши ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми, деб ҳис этади, она-заминни асраши, тинч ва фаровон ҳаётни қадрлашни ўрганади. Бунда, айниқса, ўқитувчилар, тарбиячиларнинг зиммасига катта масъулият тушади.

Ана шуни ҳис қилган ҳолда биз, мураббий-ўқитувчилар байрамга тайёргарлик ҳамда тарғибот ишларини қизғин олиб боряпмиз. Хусусан, ўқувчилар ўртасида турли тарғибот тадбирлари – Наврўзга бағишланган иншолар, расмлар, мушоиралар танловлари ўтказилмоқда. Ўқувчилар билан биргаликда кексаларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга кўмаклашиляпти.

Айниқса, Наврўз мушоираларини олиб кўринг-а?! Унда ўқувчиларимиз фольклорнинг ноёб намуналаридан тортиб, Носириддин Рабғузий, Навоий каби донишманд алломаларимиз, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари буюк шоирларимиз, бугунги назм гулшанидан шеърлар ўқиш баробарида уни уқиш, мағзини чақишни ҳам ўрганмоқда, Наврўзнинг моҳиятини теран англамоқда.

Наврўз ўйинларининг ҳам ҳеч бири шунчаки эрмак ёки вақт ўтказиш учун ўйлаб топилмаган. Улар ўғил-қизларнинг жисмонан ва руҳан соғлом, чидамли бўлиб ўсишларига ёрдам беради. Демак, халқимизнинг оддий ўйинларида ҳам аждодлар закоси, руҳий ва жисмоний комилликка интилиш ғояси мужассам.

Сирасини айтганда, Наврўз – ҳаёт фалсафаси акс этган байрам. Бу йилги Наврўзимиз ҳам шундай руҳи билан юртдошларимиз қалбига олам-олам қувонч олиб келмоқда. Дилларда, тилларда байрам шукуҳи...

Доно ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Учтепа туманидаги 203-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

СУРХОНДАРЁДА ТОҒ ТУРИЗМИ КЛАСТЕРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Сурхондарё вилоятидаги осмонўпар чўққилар, бетакрор табиат манзаралари, сержило шаршаралар, ҳаётбахш булоқ сувлари ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Энг асосийси, бу вилоятда тоғ ва агро-экотуризмни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумотларга кўра, бундай салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун жанубдаги воҳа ҳудудида учта тоғ туризми кластерини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, Бойсун туманидаги Омонхона, Дарбанд қишлоғи ва Зовбоши тоғли ҳудудини қамраб оладиган Бойсун тоғ туризми кластери, Сариосиё ва Узун туманларидаги Хонжиза тоғ тизмалари ёнбағри ҳамда Сариосиё туманидаги Сангардак қишлоғи ҳудудида Сариосиё тоғ туризми кластери фаолияти йўлга қўйилади. Шеробод тоғ туризми кластери таркибига Шалқон қишлоғи, Хўжаикон туз кони атрофи ва ҳудуддаги анорзор ҳамда бошқа мевали боғроғлар киритилади.

Вилоятда ташкил этиладиган кичик туризм зоналарида янги меҳмонхоналар, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа иншоотлар қурилади. Замонавий муҳандислик инфратузилма объектлари барпо этилади. Бу ишлар мафтункор воҳанинг туристик салоҳиятини ошириш баробарида, аҳолининг бандлик масаласини ҳал этишга ҳам кўмаклашади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Ширин шаҳри Ахборот-ресурс марказига шаҳардаги ҳар бир ташкилот ва корхонанинг 5 тадан китоб ҳадя этиш ташаббуси натижасида кутубхона турли мавзулардаги 290 та китоб билан бойиди.

Эзгу ташаббус

Шу муносабат билан Ахборот-ресурс марказида "Китоб – буюк мўъжиза" шиори остида китоблар тақдимоти ўтказилди.

– Бундай китоб тадбирининг ўтказилиши ёшларда катта таассурот қолдиради, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Ширин шаҳар кенгашининг раиси Наргиза Усмонова. – Китоб билан дўст тутинган инсонларнинг фикри тиниқ, тасаввурлари кенг, интилишлари шижоатли бўлади. Хусусан, Ахборот-ресурс марказига совға қилинган китоблар орасида нодир асарларнинг борлиги ёшлар учун муносиб совға бўлди.

Тадбирда ёшлар томонидан шеърлар ўқилди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ҳаёт сабоқларидан баҳраманд бўлишмоқда

Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб камол топишида уларнинг билим ва кўникмалари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ёшликдан ўрганиш, биз учун беминнат дастёр бўлган оловдан фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштириш ҳам шулар жумласидандир.

Олов – инсоннинг дўсти, агар ундан фойдаланишда ҳушёрликни йўқотсак, бепарво бўлсак, у ёвга айланади. Шу боис, уни тилсиз ёв, ҳам деб атаймиз.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз ёхуд ёш болаларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатида юзага келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шу боис, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари таълим муассасаларида бўлиб, ўқитувчилар ҳамкорлигида болажонларга ҳаёт сабоқларини беришмоқда. Турли кўргазмалар, ёнғинлар ҳолати ва улар келтирган оқибатлар акс этган лавҳалар кўрсатиб, тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси – осуда ва хотиржам ҳаётимиз учун асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Азиз АШИРОВ,
Пойтахтимиздаги Маърифат маркази ЁХБ инспектори катта сержанти.

Кўнгил обод – олам обод

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Юртимиз бўйлаб Наврўз нафаси кезиб юрган шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида юртдошларимиз яшнатиш, бунёдкорлик туйғулари билан меҳнат қилмоқда.

Халқимиз азалдан Наврўзни покизалик, саранжом-сариштaлик, ободонлик билан қарши олишган. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби Наманган вилояти аҳли ҳам баҳор айёмини яратувчилик кайфияти билан кутиб олмоқда. Аҳолининг саъй-ҳаракати билан ҳудудлар ободликка юз тутмоқда. Боғларга, ҳовли-жойларга, хиёбонларга, кўчаларга мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилмоқда. Янги боғлар барпо этилмоқда. Мавжуд дарахтларга шакл берилиб, оқланяпти. Ариқлар, тозаланмоқда. Буларнинг барчасида эзгулик мужассам. Ободлик ва фаровонлик акс этмоқда.

Наврўз байрамига тараддуд қабристон ва зиёратгоҳларни тартибга келтиришдан бошланди. Вилоятдаги 700 тадан зиёд қабристон, 35 та зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

Бу жабҳада, айниқса, Норин туманидаги ишлар таҳсинга лойиқ. Туманда 127 гектар майдонни эгаллаган 55 та қабристон мавжуд бўлиб, уларга Махфиратхон Мирзаахмедова бошчилигидаги ободонлаштириш бошқармасига қарашли бўлимнинг 84 нафар ишчи-ходимлари хизмат кўрсатади.

Ўтган йиллар давомида аҳоли жамғармаси ҳисобидан бир миллиард сўмликдан зиёд ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, барча қабристонларда ёпиқ бинолар қурилди. 10500 метр девор тортилиб, 5,5 километр узунликдаги ички йўлларга махсус қопламалар терилди. Зиёратгоҳлар тунги чироқлар билан таъминланиб, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди. Бунинг учун бошқармада мавжуд имкониятлардан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Хусусан, "Қоровул ота", "Тошмозор", "Худойберди бахши", "Бирадарлик" қабристонларининг захира ерлари шартнома асосида вақтинча ижарага бериш, қўрғон четларида тераклар парваришини йўлга қўйиш ва сотиш орқали тушган маблағлар ободончилик ишларига йўналтирилмоқда.

– Тумандаги "Шоҳидон" ва "Марғизор" қабристонлари ёнма-ён жойлашган. 1970 йилда мазкур ҳудуддаги 25-мактабни битирган синфдошларнинг ташаббуси туфайли бу жойлар ободонлаштирилди, – дейди Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг тумандаги вакили Камолиддин Ҳамроқулов. – Синфдошлар аввал ўз жамғармалари ҳисобидан хайрия маблағини шакллантиришди. Кейин ташаббускорлар сафи кенгайиб, бошқалар ҳам бу ишга бош қўшди. Дам олиш кунлари уюштирилган ҳашарлар туфайли атроф-муҳит обод бўлиб бормоқда.

Тумандаги "Бува ота" қабристони ҳам 41-мактабни турли йилларда битирган синфдошлар томонидан ободонлаштирилди. Муҳими, бундай ташаббуслар бошқаларни ҳам савоб ишларга ундамоқда.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Эълонлар

Тошкент ш. Олмазор т. "Давлат хизматлари" маркази томонидан (16.01.2018 й., реестр № 565738) рўйхатга олинган "AKOSH BUSINES LIFE" МФК (СТИР 305221188) фаолияти корхона муассисларининг 06.03.2018 й.даги 2-сонли қарорига асосан иктиёрий тугатилади. Даъволар 2 ой мобайнида Қашқадарё вил. Губдинарик 2-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (25.07.2013 й., реестр № 008288-04) рўйхатдан ўтган "CYBER MEDIA GROUP" МФК (СТИР 302670527) тугатилади. Даъволар 831-11-21 тел. рақами орқали қабул қилинади.

"META PROM STEEL" МФКнинг устав жамғармаси 1 631 880 000 сўмдан 131 880 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"ULUGURJI METALL SAVDO" МФКнинг устав жамғармаси 1 453 242 500 сўмдан 253 242 500 сўмга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Чилонзор т.да рўйхатга олинган "MEGA-LINE GROUP" МФКнинг (СТИР 303744091) устав фонди 500 000 000 сўмдан 6 900 000 сўмга камайтирилди. Маълумот учун тел.: (97) 751-99-77.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (25.07.2013 й., реестр № 008288-04) рўйхатдан ўтган "CYBER MEDIA GROUP" МФК (СТИР 302670527) тугатилади. Даъволар 831-11-21 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (25.08.2017 й., реестр № 539802) рўйхатдан ўтган "SA TECHNOLOGY SOLUTIONS" МФК (СТИР 305036418) тугатилади. Даъволар 838-00-01 тел. рақами орқали қабул қилинади.

МФК шаклидаги "FRESHLIFE COSMETICS" Қўшилиш устав фонди 5 985 981 417,28 сўмдан 4 569 572 919,23 сўмгача камайтирилади. Мурожаатлар учун тел.: 290-97-99.

"NATURAL FRUIT" МФК (СТИР 304978195) таъсисчиларнинг 13.03.2018 й.даги йиғилиш қарорига асосан иктиёрий тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1-ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вил. Ўртачирчиқ т. "Қумовул" ҚФЙ, Ўчқоли маҳалласи. Тел.: (97) 777-15-75.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. "Ягона дарча" марказида (реестр № 005564-04, 18.03.2016 й.) рўйхатга олинган "ALMACO TRADE" ХК (СТИР 301554228) таъсисчиларнинг 01.03.2018й.даги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан "ALMACO TRADE" МФКга ўзгартирилади. Даъволар 2 ой мобайнида Тошкент ш. М.Улуғбек т. Сайрам 7-тор кўч. 50-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т.да (реестр № 005633-09) рўйхатдан ўтган "DAVR TRAVEL SERVICES" МФКнинг (СТИР 207139685) устав фонди 1 350 218 000 сўмдан 368 718 000 сўмгача камайтирилади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. "Ягона дарча" марказида (реестр № 004304-09, 18.03.2016 й.) рўйхатга олинган "LEGION CO" ХК (СТИР 207043276) таъсисчиларнинг 01.03.2018 й.даги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан "LEGION CO" МФКга ўзгартирилади. Даъволар 2 ой мобайнида Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. Навоий кўч. 16-А уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. "Давлат хизматлари" маркази томонидан (28.09.2017 й., реестр № 545428) рўйхатга олинган "MAKMAN LIMITED" МФК (СТИР 305075433) фаолияти корхона муассисларининг 11.03.2018 й.даги 2-сонли қарорига асосан иктиёрий тугатилади. Даъволар 2 ой мобайнида Яккасарой т. Ж.Шоший 1-тор кўч. 1-уй манзилида қабул қилинади.

Реклама ва эълонлар

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон	–	(+99893) 630-73-03;
Бухоро	–	(+99891) 401-29-59;
Жиззах	–	(+99893) 940-10-78;
Навоий	–	(+99891) 332-50-99;
Наманган	–	(+99893) 948-53-86;
Фарғона	–	(+99890) 407-76-03;
Самарқанд	–	(+99893) 994-57-08;
Сирдарё	–	(+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	–	(+99890) 644-44-11;
Тошкент	–	(+99890) 976-39-58;
Хоразм	–	(+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	–	(+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-313, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21619 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **01.15**

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 123 56